

КҮПРИК ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ



1976 йилда курилган Фаргона ва Марғилон шаҳарларини боғловчи 4Р-140А "Фаргона шаҳрига" автомобиль йўлидаги йўл ўтказгичда шу кунга қадар тўла таъмирлаш ишлари олиб борилмаганлиги сабабли авария ҳолатига келиб қолган эди.

Мазкур кўприк 2022 йил таъмирлаш ишлари дастурига киритилиб қурилиш монтаж ишлари Фаргона қўприклардан фойдаланиш унитар корхонаси томонидан амалга оширилди.

Бугунги кунда 4Р-140А "Фаргона шаҳрига" автомобиль йўлининг ПК48+40 қисмидаги йўл ўтказгич узунлиги 165 метр, эни пиёдалар йўлаги билан ҳисоблаганда 17 метр этиб қайтадан бунёд этилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида Фаргона ва Марғилон шаҳарларини боғловчи асосий ўйналишлардан бири бўлган автомобиль йўлидаги йўл ўтказгич қуриб битказилди ва вилоят аҳолисига қулайликлар яратилди.

Автомобиль йўллари қўмитаси

Ахборот хизмати